


V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 12576 тани ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 3228 та, Хива шаҳрида 1294 та, Хива туманида 1301 та, Урганч туманида 1361 та, Хонқа туманида 929 та, Янгиариқ туманида 796 та, Ҳазорасп туманида 802 та, Гурлан туманида 664 та, Қўшқўпир туманида 684 та, Боғот туманида 557 та, Шовот туманида 535 та ва Янгибозор туманида 425 тани ташкил қилди.


Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27,6 фоизи), саноат тармоғида (22,1 фоиз), қурилишда (11,3 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (11,1 фоиз) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Урганч шаҳрида 20,5 бирликда, Янгибозор туманида 16,2 бирликда, Янгиариқ туманида 14,7 бирликда, Хива туманида 14,3 бирликда, Хива шаҳрида 13,7 бирликда, Урганч туманида 12,2 бирликда, Гурлан туманида 10,7 бирликда бўлиб, ўртача кўрсаткич 8-10 бирлик оралиғида Ҳазорасп, Боғот, Қўшқўпир, Шовот ва Хонқа туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2018 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)



Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони
(бирлик, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-декабрида	
		ташкил топди	тугатилди
Вилоят бўйича:	12576	2009	786
<i>шаҳарлар:</i>			
Урганч	3228	542	182
Хива	1294	180	44
<i>туманлар:</i>			
Боғот	557	105	94
Гурлан	664	100	82
Қўшқўпир	684	137	34
Урганч	1361	244	68
Ҳазорасп	802	140	36
Хонқа	929	153	37
Хива	1301	130	56
Шовот	535	118	52
Янгиариқ	796	97	70
Янгибозор	425	63	31

2018 йил январь-декабрь ойларида вилоятда рўйхатга олинган янги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 2009 тани ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 542 та, Урганч туманида 244 та, Хива шаҳрида 180 та, Ҳонқа туманида 153 та, Қўшқўпир туманида 137 та, Ҳазорасп туманида 140 та, Хива туманида 130 та, Шовот туманида 118 та, Янгиариқ туманида 97 та, Гурлан туманида 100 та, Боғот туманида 105 та ва Янгибозор туманида 63 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 75,9 фоизи (2017 йил январь-декабрда 78,9 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1879,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 31,7 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 101,7 фоизни ташкил қилди;

- 12524,1 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 98,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,4 фоизи) ташкил қилди;

- 1496,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 50,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 117,2 фоизни ташкил қилди;

- 1546,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 88,4 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 103,3 фоизни ташкил қилди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 4,1 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 90,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,5 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 70,6 фоизи ёки 3675,6 млрд. сўми (ўсиш 100,8 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 68,4 фоизи ёки 3013,8 млрд. сўми (ўсиш 103,9 фоиз) шакллантирилди;

- 52,3 млн АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 67,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди. 157,4 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 95,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги
хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**
(2018 йилнинг январь-декабрь)

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	12524,1	99,4
Саноат	1879,7	31,7
Қурилиш	1546,3	88,4
Чакана савдо	3675,6	70,6
Юк ташиш, млн тн.	33,7	93,7
Йўловчи ташиш, млн.киши	357,7	94,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	52,3	67,5
Импорт, млн. АҚШ долл.	157,4	95,8

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

(фоизда)

